

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 2-ХОР
(Маҳсулот-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

Урганч шаҳар

2022 йил // январь

“Кўмир таъминот” МЧЖ Хоразм вилоят филиали директори К.Ў.Жуманиёзов бундан буён бир томондан “Сотувчи” деб юритилади, 2021 йил 10 июндаги № 01/172-сонли ишончнома асосида иш юритувчи, иккинчи томондан Хоразм вилоят Мактабгача таълим бошқармаси, бошлиғи И.Якубова бундан буён “Харидор” деб юритилади, кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. “Сотувчи” ўзига тегишли кўмир маҳсулотларини сотиш, “Харидор” эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширишдан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМАНИ НАРХИ

Т/р	Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи ҚҚС билан сўм/тн.	Жами (сўмда)
1.	2 БР	тонна	1438,0	300 300	431 831 400,00

Етказиб бериладиган маҳсулотнинг шартномавий умумий қиймати Тўрт юз ўттиз бир миллион саккиз юз ўттиз бир минг тўрт юз сўм 00 тийин. *ҚҚС билан.*

III. ХИСОБ – КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. “Харидор” маҳсулот учун олдиндан етказиб берилётган маҳсулотнинг 30 % миқдориди тўлов ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади, маҳсулотни қабул қилган пайтдан бошлаб 10 куни ичида қолган 70 % тўловни амалга оширади;

3.2. Маҳсулот “Сотувчи” нинг ҳудудларда жойлашган темир йўл (ст.Урганч, ст.Шовот, ст. Боғот, ст.Хазарасп, ст.Питнак ва ст. Хонка) бекатидан “Харидор”га топширилади;

3.3. Кўмир маҳсулотлари “Харидор” томонидан (ст.Урганч, ст.Шовот, ст. Боғот, ст.Хазарасп, ст.Питнак ва ст. Хонка) темир йл бекатидан ўз маблағлари ҳисобидан ташиб кетилади;

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан Республикада иш ҳақининг ва ёқилғи–энергетика ресурсларининг, шунингдек темирйўл ва транспорт харажатларини ошиши кўмирни шартномавий нархини ошишига сабаб бўлади ва бу ҳолатда томонлар қўшимча келишув асосида олди-сотди ишларини амалга ошираверади, шунингдек куз-қиш мавсумини қай ҳолатда келиши қараб қўшимча кўмир маҳсулотлари олди-сотдисига ҳам қўшимча келишув асосида амалга оширилади;

3.5. Кўмирнинг чакана нархи 2019 йил 13 августи Молия Вазирлиги томонидан келишилиб тасдиқланган Баённомага асосан белгиланди. Аҳоли ва бюджет ташкилотлари учун кўмир ва кўмир маҳсулотларнинг чакана нархлари қайта декларация қилиниши билан шартноманинг 1 пунктидаги кўмирнинг чакана нархи қайтадан белгиланади ҳамда шартноманинг суммаси қайта ҳисобланади.

IV. ТАЪМИНОТ МУДДАТИ

4.1. “Харидор” мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг, маҳсулотни икки томонлама тузилган маҳсулот етказиб бериш режасига асосан олиб кетади.

V. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилётган маҳсулотнинг сифати ишлаб-чиқарувчининг белгиланган стандартларига мувофиқлик **сертификати (илова қилинади)** ва меъёрий ҳужжатлар асосида “Харидор” га етказилади. Сертификат шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

VI. ТОМОНЛАРНИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. “Сотувчи”нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида “Харидор”га маҳсулотни омборхонадан сотиш;
- Шартноманинг шартлари “Харидор” томонидан бузилганда, берилган маҳсулотни қайтариб сотиш ҳуқуқига эга;
- “Сотувчи”етказиб бериладиган маҳсулотларни ҳисоб-варақаларида тўлиқ ва аниқ номини махсус навини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш, шунингдек ҳисоб- варақаларини белгиланган тартибда рақам тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш лозим.Амалдаги қонунларга асосан “Сотувчи” томонидан ҳисоб-варақалар электрон шаклда амалга оширилади;

6.2. “Харидор”ни мажбуриятлари:

- “Харидор”шартномавий талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, маҳсулотни белгиланган тартибда қабул қилиб, олиб кетиши лозим;
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда, яъни бир кун ичида “Сотувчи”га далолатномани расмийлаштириб огоҳлантириш;
- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажармаслиги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида, шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тартибда жавобгардирлар;

7.2. “Харидор” олинган маҳсулот учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,2 % миқдорида “Сотувчи” га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VIII. ФОРС- МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1.Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар зилзила, кўрғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дул, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди;

8.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт;

8.3. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт;

8.4. Форс-мажор ҳолати содир бўлганда, шартнома муддати ўзайишига олиб келиши мумкин, уларни амалга ошириш учун бир томон иккинчи томонга кўрилган зарарни қоплаши керак.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса Иқтисодий суд ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари тартибида ҳал қилинади;

9.2. Шартнома тарафларининг ўзора келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин;

9.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Шартнома икки томонлама имзоланиб, **Ғазначилик бошқармаси** (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

Х. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

“СОТУВЧИ”

“Кўмир таъминот” МЧЖ

Хоразм вилоят филиали

Манзил: Урганч ш.Саноатчилар кўча 12-уй

Х/р: 20208000104794416001

СТИР: 207016317

МФО: 00424

Банк номи: Ўзсаноат қурилиш банк

АТБ ТШМБ амалиёт бўлими



Директор:  К.Ў.Жуманиёзов

Бош юрисконсулт  С.Саг'далов

«ХАРИДОР»

Хоразм вилояти Мактабгача таълими
бошқармаси

Манзил: Урганч ш. Ёшлик кўча 24-уй

ШХР:100021860334017091100251001

СТИР: 305 153 344

МФО: 00014

Ўзбекистон Рес. Ғазначилик бошқармаси
Марказийбанк Тошкент ш.



Бошлик:  И.Якубова.

Бош юрисконсулт  Б.С.Самедов.